КУТУБХОНАСИ

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 5-oktabr • Payshanba • 118 (27.610) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

## ХОРИЖЛИКЛАР ХАРИДОР

Бозор иқтисодиёти шароитида иш юритишнинг қаловини топган ютади. «Марҳамат электротехника заводи» акциядорлик жамиятининг россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорлиги буни амалда кўрсатди.

Акциядорлик жамиятида йилнинг 9 ойи давомида 397 миллион 500 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагидан анча кўпдир.

— Тайёр маҳсулотга харидор топганимиз яхши натижа берди, — дейди маркетинг бўлими бошлиғи Расулжон Тоштанов. — Россиянинг Магнитогорск, Челябинск шаҳарларида бўлиб, электротехника маҳсулотлари етказиб беришга шартнома туздик.

— «Галс — электро» сингари ҳамкорларимиз электротехника жиҳозларини МДҲ давлатларига етказиб бериш бўйича ишлаяпти, — дея фикрларини баён этди «Марлен электроникс» савдо ишлаб чиқариш масъулияти чекланган жамияти директори Адҳамжон Рустамов. — Марҳамат саноатчилари маҳсулотларига харидорлар кўпаймоқда.

Жамоа «ЎзДЭУавто» ёпиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган «Нексия», «Матиз» автомобиллари эшиклари қулфлари, илгакларини сифатли тайёрлаб беряпти. Сентябрь ойида 108 минг дона «Нексия» автомобили эшиклари илмоғи, 20 минг дона қулф тайёрланди. «Матиз» эшиклари учун ҳам илмоқлар ишлаб чиқариш изчил йўлга қўйилди. Минура Адҳамова, Гулчеҳра Собирова, Дилбархон Усмонова каби ишчилар маҳсулотларни сифатли тайёрлаб, буюртмачи ишончини оқлаяптилар.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**





***Суратларда:*** *жамият ишчиси Машрабхон Нурматова ва Шаҳнозахон Собировалар.*
**Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар**

## ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ҳамроҳлигида 4 октябрь куни Самарқандга келди.

Олий мартабали меҳмон шаҳар билан танишувни Улуғбек расадхонасидан бошлади. Шоҳи Зинда ва Регистон мажмуалари, Гўри Амир мақбарасини зиёрат қилди.

— Ўзбек ва қирғиз халқлари қадим-қадимдан бир заминда яшаб келади. Бугун Самарқандда буюк аждодларингиз бунёд этган муҳташам обидаларни томоша қилиб, ҳайратга тушдим. Бу бетакрор ва бебаҳо ёдгорликларнинг кўз қорачиғидек асралаётгани жуда муҳим аҳамиятга эга, — деди Қ.Бакиев.

Шу билан Қирғизистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди.

**(ЎзА)**

## ГЕРМАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

**Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Германия Федератив Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги сиёсий департаменти директори М.Шефер раҳбарлигидаги делегация 4 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери Э.Халилов билан учрашди.**

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришда, жумладан, унинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаб боришда парламентлараро алоқалар муҳим ўрин тутиши қайд этилди. Томонлар Ўзбекистон билан Германия олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан фикр алмашдилар.

Меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти, унда Қонунчилик палатасининг ўрни ва вазифалари, фракциялар тўғрисида атрофлича маълумот берилди.

**(ЎзА)**

**• Миннатдорчилик**

## ЭЪЗОЗЛИ КАСБ АРДОҒИ



Кечагидай эсимда, олийгоҳда ўқиб юрган кезларимиз бир куни устозим Ҳасан Юсупов дарсдан сўнг ишлайсанми, деб қолди. Сўрасам, шаҳардаги 6-Меҳрибонлик уйига мусиқа етакчилиги бўйича мутахассис керак экан. Рози бўлдим. Шушу тақдирим ўқитувчилик, мураббийлик касби билан боғланди. Мана, ўн саккиз йилдирки, ушбу даргоҳда мусиқа етакчиси бўлиб ишлаб келмоқдаман.

Президентимизнинг куни кеча Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан матбуотда эълон қилинган Фармонини ўқиб, мен ҳам бехад қувониб кетдим. Негаки, кўп йиллик камтарона меҳнатим Юртбошимиз томонидан мукофотга муносиб кўрилиб, «Шуҳрат» медали билан тақдирланган эдим. Буни кўриб, фарзандлар таълим-тарбияси йўлида хизмат қилиш, миллатнинг эртаси учун қайғуриш албатта, ўзининг эзгу баҳосини олишига имон келтирдим.

Байрам муносабати билан ҳурматли Юртбошимизнинг устоз-мураббийларга кўрсатган бу эҳтироми мустақиллик йилларида шу юрт равнақи, келажак авлод тарбияси, уларнинг чуқур билим ва салоҳият соҳиби бўлиб вояга етишида астойдил меҳнат қилаётган фидойи педагогларимизни қўллаб-қувватлаш борасида қилинаётган юксак эътиборнинг узвий давоми, албатта.

Мамлакатимиз ҳукуматининг миллат эртасини таъмин этиш, келажак ҳаёт йўлларини чароғон қилишда таълим жонкуярларига кўрсатаётган мазкур ғамхўрликларидан бугун ҳар қанча ифтихор қилсак арзийди. Зеро, биз ўқитувчи ва мураббийларга билдирилган бундай ишонч ва эътибор олижаноб касбимизни янада ардоқлаб, маърифатли ўғил-қизларни тарбиялашда янгидан-янги ғоялар, ташаббуслар билан чиқишга ундайди. Чунки Ватан, халқ, миллат олдидаги энг катта бурч ҳам фарзандлар олдидаги масъулликдир.

**Зулайҳо НАЗАРОВА,**
**«Шуҳрат» медали соҳиби, Самарқанд шаҳридаги 6-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси.**

## «СУРХОНПЛАСТ» ИШ БОШЛАЙДИ

Термиз шаҳрида замонавий хориж технологияси билан жиҳозланган янги корхона бунёд этилди. У бир кеча-кундузда уч тоннагача маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу ерда пластик девор қопламалари, қувур, эшик ва дераза ромлари, полиэтилен плёнка сингари ўн хилга яқин маҳсулот тайёрланади.

— Маҳсулотларимизга эҳтиёж ортгани сари корхона фаолиятини янада кенгайтириб, ишни уч босқичда ташкил этмоқчимиз, — дейди «Сурхонпласт» МЧЖ раҳбари Г.Хоналиева. — Шунда иш ўринлари ҳам икки баравар кўпаяди. Зарур хомашё мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқарилаётгани боис, маҳсулотлар таннархи анча арзон бўлиб, сифати хорижникидан қолишмайди.

Корхонада 60 киши иш билан таъминланди.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**
**(ЎзА)**

# ИСТИҚБОЛЛИ ПАХТА НАВЛАРИ — ЭКСПОРТ КАФОЛАТИ

***Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида пахта хомашёси ҳамда толасининг сифатини халқаро стандарт талаблари даражасига олиб чиқиш, ғўзанинг янги селекция навларини яратишдан бошлаб, уни замонавий бозор тамойиллари асосида сотишгача бўлган жараённи ислоҳ қилиш устувор вазифа этиб белгиланди.***

***Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари Оллаберган ОЛЛАБЕРГАНОВ билан истиқболли пахта навларини етиштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашдик.***

— Пахтачилик мамлакатимиз иқтисодиётининг йирик тармоғи сифатида улкан агросаноат комплексини қамраб олган, — дейди О.Оллаберганов. — Бу мажмуа таркибидаги ҳар бир йўналишнинг тараққиёт истиқболлари кенг қамровли бўлиб, улар, аввало, давлатимиз раҳбарининг пахта толаси ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг юқори сифати бўйича барқарорликни таъминлаш, ташқи ва ички пахта бозорида ишончли ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш масалаларига қаратилган изчил сиёсати негизида ривожланмоқда.

Ўзбекистоннинг тупроқ-иқлим шароити кўп хиллиги юртимизда ғўзанинг ўрта ва ингичка толали, муҳитга тез мослашувчан ҳамда ўзида энг аҳамиятли агрохўжалик кўрсаткичларини мужассам этган хилма-хил навларини етиштириш имконини беради.

Пахта толаси тўқимачилик саноатининг эҳтиёжи учун асосий хомашё манбаи ҳисобланади. Пахта тозалаш ва қайта ишлаш корхоналарида хомашёдан сифатли чигит, тола, шунингдек, кимё ва маҳаллий саноат корхоналарида қўлланиладиган линт, момиқ ажратиб олинади.

Дунё бозорида пахта толасининг сифатига қараб баҳоланади. Толанинг баҳоси, ўз навбатида, ғўза навининг хусусиятларига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигида энг яхши пахта навидан фойдаланиш ҳосилдорликни ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашнинг самарали усулларидан ҳисобланади. Шу маънода, мустақиллик йилларида, аввало, истиқболли навлар яратишга, уларни иқлим ва тупроқ хусусиятига мос равишда жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**— Истиқболли пахта навларини яратиш ва уруғчилик борасидаги ишларнинг самараси ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Юртимизда ғўза селекцияси билан асосан учта йирик илмий тадқиқот муассасаси — вазирлик ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази таркибида бўлган Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институти ҳамда Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти, шунингдек, Фанлар академияси ҳузуридаги Ўзбекистон генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси илмий-тадқиқот институти шуғулланади.

Кейинги 20 йил мобайнида ушбу институтларда юздан ортиқ ингичка ва ўрта толали ғўза навлари, жумладан, «Бухоро-6,» «С-6524», «Наманган-77», «Омад», «Бухоро-8», «Бухоро-102» каби серҳосил ғўза навлари яратилди. Ушбу навлар ҳосилининг юқорилиги, тезпишарлиги, касалликлар ва зараркунанда ҳашаротларга чидамлилиги, толасининг сифати ва жаҳон бозорида харидоргирлиги билан ажралиб туради.

Юртимиз илмий-тадқиқот муассасаларида яратилган барча ғўза навлари Давлат нав синовидан ўтказилиб, энг яхшилари ишлаб чиқаришга жорий этиш учун ажратиб олинади. Ҳар йили экиш учун тавсия этиладиган навлар рўйхати Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш Давлат комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрида эълон қилинади.

Бунда янги навлар танлов асосида синовдан ўтказилади. Бунинг натижаси ўлароқ, ғўзанинг энг сара навлари танлаб олинади ва истиқболда районлаштириш ҳамда уруғ олиш учун тавсия этилади.

**— Яқинда Тошкентда Ўзбекистон иккинчи халқаро пахта ярмаркаси очилади. Унда қайси навдан олинадиган толалар таклиф этилади?**

— Ўтган йили октябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон биринчи халқаро пахта ярмаркаси республикамизда етиштирилаётган ушбу қимматбаҳо ҳомашёнинг жаҳон пахта бозорида эгаллаб турган мавқеини янада ошириш йўлида, айниқса, муҳим аҳамият касб этди. Ўшанда қарийб ўттиз мамлакатдан келган икки юздан зиёд компания ва фирма вакиллари билан салкам 1,5 миллион тонна пахта толаси етказиб бериш бўйича 120 дан ортиқ шартнома имзолангани фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Ярмаркада хорижлик истеъмолчилар томонидан, айниқса, «Бухоро-6» нави юқори баҳоланиб, унга катта миқдорда буюртма берилгани эътиборга сазовордир. Чунки бу нав серҳосиллиги, сувсизликка чидамлилиги, толасининг оқлиги билан ажралиб туради. Шу боис бугунги кунда жаҳон бозорида унинг толасига талаб жуда катта.

Ушбу халқаро тадбир ўзбек пахтаси толасининг микронейр ва сифат кўрсаткичлари бўйича жаҳон андазасига тўла жавоб беришини яна бир бор дунёга очиқ намоён этди. Ўтган даврда Россия, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Корея Республикаси, Вьетнам, Бангладеш, Бирлашган Араб Амирликлари, Сингапур каби бир қанча давлатлар юқори сифатли толамизга харидор бўлди. Бир сўз билан айтганда, Тошкент халқаро пахта ярмаркаси мамлакатимизнинг жаҳон пахта бозоридаги фаол иштирокчилардан бири сифатидаги мавқеини янада оширди.

Бундай халқаро ярмарканинг анъанага айлангани айни муддаодир. Шу кунларда мазкур анжуманга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Ярмаркада ўзбек пахтасининг сифат хусусиятлари, пахтани етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш борасидаги янгиликлар билан танишиш имкони яратилади. «Ўзэкспомарказ»да эса селекция навлари кўргазмаси ташкил этилиб, тадбир иштирокчилари эътиборига жорий йил ҳосилидан намуналар ҳавола қилиниши кўзда тутилмоқда.

Ишончимиз комилки, навбатдаги халқаро пахта ярмаркаси мамлакатимизнинг пахта толаси экспорти салоҳиятини янада ривожлантириш, шунингдек, кўплаб давлатларнинг пахтачилик ва тўқимачилик саноати вакиллари билан тўғридан-тўғри савдо қилиш ҳамда узоқ муддатли шартномалар тузиш борасида яна бир муҳим қадам бўлади.

**ЎзА мухбири**
**Ғулом МИРЗО**
**суҳбатлашди**

## БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ЕВРОПАГА КЕЛАДИ

***Бельгия санъат ва тарих Қироллик музейи «Самарқанд Буюк ипак йўли чорраҳасида: Ўзбекистон музейлари хазинаси» кўргазмасини ўтказиш юзасидан тайёргарлик ишларини бошлаб юборди.***

Санъат ва тарих Қироллик музейи — Бельгиядаги энг йирик ва машҳур музейлардан бири. 1835 йилда ташкил этилган музей тўпламларида 350 мингдан зиёд экспонат бор. Улар 60 минг квадрат метрлик майдонда намойиш этилади.

Музей тўпламлари тўртта қисмга бўлинган. Булар: Бельгия миллий археологияси тўплами, Яқин Шарқ, Миср, Греция ва Рим антик тўплами, Осиё (Хитой, Япония, Корея, Жануби-Шарқий Осиё), Америка (қитъада Колумбгача бўлган давр санъатнинг энг бой коллекцияларидан бири), Океания ва ислом дунёсига асосий эътибор қаратилган Ноевропа цивилизациялари тўплами ҳамда ўрта асрлардан то XX асрга қадар бўлган Европа безак санъати тўпламидир.

Ҳар йили Қироллик музейи турли мамлакатларнинг 15 та кичик кўргазмаси ҳамда бирон мамлакат ёки мавзуга бағишланган битта катта кўргазма ўтказади. Жорий йил сентябрь ойида бу ерда бирданига учта кўргазма очилди. Улар «Колумбгача бўлган давр санъати усталари», «Мексиканинг анъанавий либослари» ва «Ҳиндулар Брюсселда» деб номланган бўлиб, апрелга қадар давом этади.

Музей 2009 йилда ўтказилиши режалаштирилган «Самарқанд Буюк ипак йўли чорраҳасида: Ўзбекистон музейлари хазинаси» кўргазмасига ҳозирданоқ тайёргарликни бошлаб юборди. Ушбу лойиҳанинг бошланишига музей бош директори Анн Каен-Делай раҳбарлигидаги делегациянинг Ўзбекистонга яқинда амалга оширган ташрифи сабаб бўлди.

— Қадимий Эрон ва Марказий Осиё тўпламлари мутасаддиси сифатида мен Брюсселда Ўзбекистон тўғрисидаги катта кўргазмани ташкил этишга раҳбарлик қилиш шарафига муяссар бўлдим, — дейди делегация аъзоси, музейнинг қадимий Эрон ва Марказий Осиё археологияси департаменти раҳбари доктор Брюно Оверлает «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда. — Ўзбекистон музейларидаги ҳамкасбларимиз билан биргаликда биз юртингизнинг Искандар Зулқарнайн ва Аҳамонийлар салтанати даврларидан буён Буюк ипак йўли фаолиятида тутган ўрнини, кенг кўламда кўрсатиб бериш ниятидамиз. Кўргазма доирасида археологик экспонатлар, тарихий ва маданий бойликлар, санъат асарларини ҳам намойиш этишга ҳаракат қиламиз. Уларнинг айримлари Ўзбекистон ҳудудида амалга оширилган археологик қазиш ишлари чоғида топилган.

Шу муносабат билан сўнгги йилларда мамлакатингизда археология тадқиқотлари кескин кўпайганини қайд этишни истардим. Ўзбекистонлик археологлар хорижий ҳамкасблар билан биргаликда бундай ишларга улкан куч ва сармояларини йўналтирмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар туфайли Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг жаҳон цивилизацияси тарихида тутган муҳим ўрни янада ёрқинроқ намоён бўлаётир.

Ўзбекистонга ташрифимиз чоғида биз Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, республика Бадиий академияси ҳамда Тошкент ва Самарқанддаги кўплаб музейлар билан тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатдик. Ташриф якунларидан жуда мамнунмиз. Биз ўзбекистонлик ҳамкорлар билан Брюссель ҳамда «Кўҳна қитъа»нинг бошқа пойтахтларида ўтажак юртингиз археология ва маданий қадриятлари кўргазмаси Европа маданий ҳаётидаги йирик воқеалардан бири бўлиб қолиши учун барча имкониятларни ишга солишга тайёрмиз, — дея таъкидлади доктор Оверлает.

**Жамшид МУТАЛОВ,**
**«Жаҳон» АА.** ***Брюссель***

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
*Хизматлар лицензияланган*

O'ZSANOATQURILISHBANK
SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz
*Хизматлар лицензияланган*

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKORI!
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
*Хизматлар лицензияланган*

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
*Хизматлар лицензияланган*

● ЎзХДП вилоят кенгашларида

# «СЕН НЕГА СЎЛ ПАРТИЯНИ ТАНЛАДИНГ?»

## УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ БИР ГУРУҲ ТАЛАБАЛАРИ БУ САВОЛГА ЎЗ ФИКРЛАРИНИ ОЧИҚ-ОШКОРА БИЛДИРДИЛАР

**Партиямиз аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш жараёнининг ошкора олиб борилгани аҳоли турли қатламлари орасида ЎзХДПга қизиқишнинг ошишига олиб келди. Айниқса, жамиятнинг фаол қисми ҳисобланган талабалар орасида партия сафига кирувчиларнинг кўпаяётганлиги қувонарлидир. Яқинда Урганч давлат университетининг бир гуруҳ талабалари партиямиз сафларига қўшилишни ихтиёр этдилар. Улар нега айнан бизнинг партияни танлаганликлари билан қизиқдик.**

**Ҳамро ЮСУПОВ, иккинчи курс талабаси:**

— Аввало, партиянинг демократик тамойиллар асосида қонуний йўл билан ҳокимиятни эгаллашга қаратилган ҳаракатлари мени ўзига ром этди. Қолаверса, мустақиллигимиз билан тенгдош ушбу сиёсий куч сиёсат майдонида ўз ўрни, ўз нуфузини сақлаб, уни тобора юксалтиришга интилмоқда. Ахир баъзи партияларнинг баландпарвоз шиорлар билан чиқишгани ва тезда одамлар эътиборидан кўтарилгани бизга маълум-ку.

**Умид АБДАЛОВ, учинчи курс талабаси:**

— Мен ЎзХДП деганда мамлакат пойтахтида ўтириб ишлайдиган бир гуруҳ шахсларнинг фаолиятини тушунардим. Партия вилоят ташкилотининг сўнгги даврда биз ёшлар учун уюштирган қатор тадбирлари, давра суҳбатларидан сўнг англадимки, партия фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини, эркинликларини кўрсатиб берадиган, бунинг ижросини таъминлашни назорат қиладиган сиёсий куч экан. Биз партиянинг «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолиятида қатнашиш орқали ҳам тенгқурларимизнинг сиёсий онгини оширишга кўмаклашган ва мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ўзгаришларга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз. Бу орқали партиянинг ёшларга оид сиёсати амалга оша боради.

**Санжарбек САИДОВ, иккинчи курс талабаси:**

— Партиянинг жамиятнинг ижтимоий ночор, кам таъминланган қисми манфаатларини ҳимоя қилиши ҳақидаги дастури менга маъқул бўлди. Истаймизми-йўқми, орамизда ҳамон шундай фуқаролар топилади. Ана шундай фуқароларнинг ижтимоий ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ғоят савобли ишдир. Юртбошимиз эса «Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак» деб таъкидлаганлар.

**Ойбек БЕКЧОНОВ, биринчи курс талабаси:**

— Мен партиянинг «Истиқбол» ёшлар қанотига катта қизиқиш билан қараяпман. Ёшлар қаноти Низомидаги қуйидаги жумлалар менинг партияга аъзо бўлишимга асос бўлди. «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзоларида фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш жараёнида бевосита қатнашиш қобилиятини шакллантириш, ёшлар орасида бўлажак етакчиларни аниқлаш, уларнинг келгусида партия номидан сайловларда депутатликка номзодларини кўрсатиш...» Ёшларнинг таълим олиши, ижтимоий ҳимояланиши билан шуғулланадиган, ёрдамлашадиган аниқ ифодалар мавжуд. Мен ёшларни сиёсий жиҳатдан тайёрлайдиган ҳаракатни ҳали учратмаган эдим. Шунинг учун ХДПга аъзо бўлишга қарор қилдим.

**Зебо МАТЁҚУБОВА, учинчи курс талабаси:**

— Партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш жараёни бизда яхши таассурот қолдирди. Партия сон кетидан қувмаяпти, балки фақат фаол аъзолари билан ишлаш тарафдоридир. ЎзХДПнинг ўз сафларини партия билан алоқани узган, суст аъзолардан тозалаётгани эътиборли ҳол. Менга ҳам ҳеч ким «ХДПга аъзо бўл» деб тарғиб этгани йўқ. Мен ўзим онгли равишда унинг сафларидан жой олишга қарор қилдим.

**Рўзимбой ҲАСАН ёзиб олди.**



***Суратда:** Урганч давлат универстетининг партиямизга хайрихоҳ бир гуруҳ талабалари.*

● Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир



# «МАКТАБ ҚУРГАН ЕТАР МУРОДГА»

## — ДЕЙДИ КИТОБЛИК МЕҲНАТ ФАХРИЙСИ ОЧИЛ РЎЗИЕВ ЧЕККА ҚИШЛОҚЛАРДАГИ ЯНГИ ЗАМОНАВИЙ МАКТАБЛАР ҲАҚИДА СЎЗЛАРКАН

Эсимида, бундан беш-олти йил бурун Оммағон қишлоғига борган эдик. Пастликда — Шаҳрисабзда кузак ўжарлик қилар, сарғайган япроқлар ҳали бандида маҳкам турарди. Биз борган, денгиз сатҳидан қарийб бир ярим минг метр баландликдаги тоғ қишлоғига эса ёмғир аралаш қор ёғар, одамнинг эти жунжикарди. Бир дўстимизнинг онаси қазо қилган, кўнгил сўраш учун боргандик. Тош, лой сўқмоқдан уриниб-суриниб, керакли уйни топдик. Дуо-фотиҳадан кейин, суҳбат дунёвий ташвишларга кўчганди.

— Бизлар ўрганиб қолганмиз, аммо болаларга қийин бўлаяпти, — дейишганди қишлоқ кексалари. — Эски мактаб қишда иситилмайди, йўл ҳам ёмон. Бошқа жойларда пишиқ-пухта мактаблар қурилаётганини кўриб-эшитиб юрибмиз. Қани энди бизда ҳам шундай мактаблар қурилса...

Эзгуликнинг кечи йўқ, дейдилар. Шаҳрисабз туманидаги «Хитой» фуқаролар йиғинига қарашли, Хисор тизма тоғлари бағридаги кичкина Оммағон қишлоғи ёшлари қувонадиган кун ҳам келди. Яқинда 120 ўринли, кўркам, пишиқ ғиштли мактаб биноси қуриб битказилди. Айниқса, тоғда қурилиш қилиш машаққатини айтмайсизми. Ишқилиб, бу ишни зиммасига олган «Бешбош» қурилиш фирмаси бинокорлари олқиш олишди. Мактаб учун кутубхона, ошхона ҳам қуриб беришди, алоҳида иситиш қозони ўрнатилди. Энди тоғ қишлоғи ўқувчилари ҳатто компьютердан фойдаланишмоқда.

Яна бир мисол. Яккабоғ туманининг тоғли ҳудудида жойлашган Сарой қишлоғида эса мактаб номига бор эди, холос. Ўқувчилар машғулотларни одамларнинг уйларида ўтказишарди. Яқинда «Олтинбошоқ» қурилиш ташкилоти бинокорлари қишлоқ ўқувчиларига 216 ўринли замонавий мактаб биносини ҳадя қилишди.

Бундай гаплар айримларга эриш туюлиши мумкин. Аммо ким эдик, қандай яшардик, кимларга топинардик — буни асло эсдан чиқариш мумкин эмас. Ҳолва осмондан тушмайди. Узоққа бормайлик, турғунлик йилларида Қашқадарёдаги кўплаб қишлоқларда шароит оғир, мактаблар хароб, йўллар ёмон эди. Юртбошимиз мамлакат раҳбарлигига келган кезлардаёқ ҳукуматнинг Чироқчи ва Деҳқонобод туманларини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш ҳақидаги қарори чиқди. Чунки бу туманлар тараққиётдан анча орқада қолган, аҳволни ўнгламаса бўлмасди. Ўшанда ҳам биринчи эътибор мактаблар, шифохоналар қурилишига қаратилди.

Эътироф этиш керакки, бу улкан вазифаларни бирдан амалга ошириш қийин эди. Мисол тариқасида айтсак, Чироқчи тумани Чим қишлоғидаги, Яккабоғ туманидаги Абдулла Авлоний номли мактабларнинг эски бинолари емирилиб кета бошлади. Ўқувчилар вақтинча бошқа жойларга кўчирилди. Давлатимиз бу ишдан маблағни аяган эмас. Бундан олти-етти йил бурун Қамашида юз берган зилзилалар туфайли туманга миллиардлаб маблағ ажратилди. Биринчи галда яна мактаблар тикланди. Тўқсон бешинчи йилда Китоб туманининг тоғли Жовуз қишлоғида тупроқ сурилиши юзага келтирган оғир оқибатлар эсдан чиқмайди. Зудлик билан аҳоли хавфсиз жойга кўчирилди. «Кишлик» ширкати ҳудудида янги уйлар тикланди, янги «Жовузобод» қишлоғи қарор топди. Кўчирилган аҳолига ер, узумзорлар ажратиб берилди. Мактаб янги қурилган уйларнинг биттасида қўним топганди. Бу йил қишлоқда 216 ўринли янги мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди. Билим маскани эса бугун болалар билан гавжум.

— Олдимизда турган вазифа янги йилга мўлжалланган. — дейди Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ўрол Ашуров. — Ҳукуматимиз қарорлари асосида воҳада мактаб таълимини ривожлантиришнинг алоҳида манзилли дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра, жами 1094 мактабдан 932 таси танлаб олинди. Улардан биринчи навбатда янгидан қуриладиган ва таъмирланадиганлари ажратилди. Шундай қилиб, 115 та мактаб янгидан қуриладиган, 197 таси капитал реконструкция, 352 таси капитал таъмирланадиган бўлди. Рости, аҳвол тоғолди ҳудудидаги мактабларда мураккаб эди. Биргина шу йилнинг ўзида 6521 ўринли 25 та янги мактаб қуриб, фойдаланишга топширилди. Шулардан энг йириги Шаҳрисабз шаҳрида қурилган 650 ўринли 107-мактаб биносидир. Келгуси йили эса 19 та янги мактаб қуриш, 43 тасини капитал реконструкция, 66 тасини капитал таъмирлаш режалаштирилган.

Китоб туманининг тоғли Севаз қишлоғида 80 ёшни қаршилаган Очил бобо Рўзиев истиқомат қилади. У киши узоқ йиллар қишлоқ хўжалигида раҳбарлик лавозимларида ишлаган, гапини бировга бермайдиган, ҳозир ҳам тўй-маъракалар бошида турадиган эл оқсоқоли. Бундан уч йил бурун газетамиз ходимлари шу қишлоқда муштарийлар билан учрашганда, оқсоқол жўяли мулоҳазаларни ўртага ташлаган эдилар. Яқинда бобо билан учрашиб қолдим.

— «Варганза» анорчилик хўжалигига ўн йил раҳбарлик қилиб, пенсияга чиққанман, — дейди Очил бобо. — Варганзаликлар ҳозир ҳам йўқлаб туришади. Биз ўшанда Қашқадарё устидан Варганза ва Шатри қишлоқларини боғловчи кўприкни минг машаққат билан қургандик. Яқинда Шатри қишлоғида 216 ўринли, қўшқаватли янги мактаб қурилди. Бориб кўрдим. Унга қўшни Қорамерган қишлоғида ҳам янада кўркам 316 ўринли мактаб фойдаланишга топширилди. Иккала мактаб ҳам энг замонавий. Мен нима демоқчиман? Қадимгилар от минган етар муродга, дейишаркан. Бу ҳам рост. Бироқ мен айтаманки, бугун мактаб қурган муродга етади! Нега? Чунки, болалар — муродимиз, келажагимиз, таянчимиз. Давлатни бошқарадиган ҳам, дунёни ўзгартирадиган ҳам шулар. Президентимиздан бутун эл миннатдор. Мактаб учун, болаларимиз учун ҳеч нарсани аямайдилар. Ишонаманки, фарзандларимиз Юртбошимизнинг, элимизнинг ишончини оқлайди. Уларга янги-янги мактаблар, илм масканлари муборак бўлсин!..

**Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

***Суратда:** Оммағон қишлоғи ёшлари янги мактабда.*

## «НАФИС»ДАГИ БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

Шофирконда болалар спорт иншоотлари яна биттага кўпайди. Туман марказидаги бўш ётган клуб биносини «Чоррастақурилиш» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари қайта реконструкция қилдилар.

— Бу ерда, — дейди туман ҳокими биринчи муовини Абдураҳмон Шарипов, — болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали буюртмаси билан 30 миллион сўмлик иш бажарилди. Ана шунинг эвазига шинамгина гимнастика саройи вужудга келди.

Дарвоқе, «Нафис» деб номланган бу саройни барпо этишда ҳомийларнинг ҳиссаси катта бўлди. Уларнинг 10 миллион сўмлик маблағи ҳисобига иншоот олдида катта ободончилик ишлари бажарилди. Биргина бу эмас. Буюртмачи спорт масканида гимнастикачи қизларнинг шуғулланишлари, маҳоратларини оширишлари учун ҳам барча шароитни яратиб берди.

— Эндиликда, — дейди ЎзХДП туман кенгаши раиси Баҳром Неъматов, — бу ерда республика ва вилоят миқёсидаги мусобақаларни ўтказиш мумкин. Чунки, бу спорт саройи замонавий қурилган бўлиб, барча шароитлар яратилган.

**Даврон БАҲРОНОВ**

## ШИФОХОНАЛАР ТАЪМИРЛАНДИ ВА ЖИҲОЗЛАНДИ

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида Қорақалпоғистон шаҳар ва туманлари, овул ва қишлоқларида хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 100 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилган «Шошилинч тиббий ёрдам» илмий марказининг учинчи корпусида, 230 миллион 207 минг сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилган республика болалар касалхонасида барча шароитлар яратилди. Булардан ташқари яна ўнлаб овул шифокорлик пунктлари жорий таъмирдан чиқарилиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналари билан жиҳозланди.

Яқинда эса ҳомийлар ёрдамида Хўжайли туманидаги марказий касалхонага қарашли 110 ўринли туғуруқхона қайта қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Туғуруқхонада ҳар ойда 225-230 нафаргача чақалоқ дунёга келмоқда, — дейди марказий касалхона бош шифокори Т.Рўзметова.

**Рейимбой ЕШИМБЕТОВ**

● «Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

# «БАНДЛИК МУАММОСИ:

## АҲВОЛ, ҚАРАШЛАР, ТАКЛИФЛАР»

**Ҳурматли газетхон!**

**Ёдингизда бўлса, газетамизнинг шу йил 16 май сонида «Бандлик муаммоси: аҳвол, қарашлар, таклифлар» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда бандлик масаласи, мардикор бозорларидаги одамлар, ёшларни иш билан таъминлаш масаласига жойларда юзаки қаралаётгани ҳақида фикр юритилган эди.**

**Ушбу мақолага қатор муносабатлар билдирилди. Куни кеча яна бир жавоб хати олдик.**

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2006 йил 16 май сонида чоп этилган «БАНДЛИК МУАММОСИ: АҲВОЛ, ҚАРАШЛАР, ТАКЛИФЛАР» сарлавҳали танқидий мақоласи шаҳар ва туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимлари бошлиқлари иштирокида ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда муҳокама этилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 майдаги «Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказларини ташкил этиш тўғрисида»ги 223-сонли қарори асосида вилоятнинг 2 та асосий шаҳарларида, яъни Термиз шаҳри ва Денов тумани марказида вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари ташкил этилган.

2006 йил 1 июнь ҳолатига Термиз шаҳридаги вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказида 2200 нафар фуқаро рўйхатга олинган бўлиб, улардан 1217 нафари шаҳарда яшовчиларни, 982 нафари вилоятнинг бошқа туманларидан келганларни ҳамда 1 нафари Самарқанд вилоятидан келган фуқароларни ташкил этган. Улардан 1 нафари аёл. Рўйхатга олинган фуқаролардан асосий қисми, яъни 80,7

1

фоизи 30 ёшдан пенсия ёшига яқин бўлган фуқаролардир. Уларнинг 1582 нафари оддий ишчилар бўлиб, 618 нафарининг касби йўқ.

Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказида рўйхатга олинган фуқароларнинг иш излашларининг асосий сабаблари таҳлил этилганда, 983 нафари, яъни 44,7 фоизи яшаш жойида доимий иш жойининг мавжуд бўлмаганлиги, 1211 нафари ёки 55,0 фоизи оилавий тадбирларни ўтказиш учун қўшимча пул маблағларига эҳтиёжининг мавжудлиги, 6 нафари ёки 0,3 фоизи оилавий муаммоларини ҳал қила олмаётганликлари сабабли иш излаётганликларини билдирган.

Рўйхатга олинган 2200 нафар фуқародан 2148 нафари ёки 97,6 фоизи вақтинчалик бир марталик иш топган бўлиб, уларнинг 492 нафари қурилиш ишларига, 306 нафари уй хўжалиги ишларига, 1108 нафари ободонлаштириш ишларига, 242 нафари бошқа ишларга жалб этилган. Марказда кунига мурожаат қилган фуқаролар ўртача 19 нафарни ташкил этган бўлиб, улардан кунига ўртача 18 нафари иш топишга муваффақ бўлган.

Денов туманида жойлашган вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказида 180 нафар фуқаро рўйхатга олинган бўлиб, улардан 70 нафари ҳудудда яшовчиларни, 110 нафари вилоятнинг бошқа туманларидан келган фуқароларни ташкил этган.

Марказда рўйхатга олинган фуқаролардан 110 нафари яшаш жойида ишнинг йўқлиги, 45 нафари иш ҳақининг камлиги ҳамда ўз вақтида берилмаслиги сабабли, 25 нафари қўшимча даромад олиш учун Марказга мурожаат қилганлигини билдирган. Рўйхатга олинган фуқароларнинг барчаси иш топишга муваффақ бўлиб, 80 нафари қурилиш ишларида, 50 нафари уй хўжалиги ишларида, 35 нафари қишлоқ хўжалиги ишларида, 15 нафари бошқа ишлар билан банд бўлган. Марказда рўйхатга олинган 15 нафар фуқаро меҳнат бўлими орқали доимий ишга жойлаштирилган.

Вилоятда доимий иш жойига эга бўлмаган фуқароларни иш билан таъминлаш, айниқса қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2006 йилнинг 5 ойи давомида жами 16748 та (шундан 6656 таси аёллар учун) янги иш ўринлари ташкил этилган. Жумладан:

— Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш ҳисобига 511 та, аёллар учун 188 та;

— Мавжуд корхоналарни қайта қуриш ва кенгайтириш ҳисобига 509 та, аёллар учун 75 та;

— Корхоналарнинг мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан унумли фойдаланиш ҳисобига 230 та, аёллар учун 65 та;

— Кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобига 4687 та, аёллар учун 1408 та;

— Юридик шахс мақомига эга бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 3277 та, аёллар учун 1177 та;

— Янги фермер хўжаликлари ташкил этиш ҳамда мавжудларини кенгайтириш ҳисобига 6798 та, аёллар учун 3225 та;

2

— Меҳнат шартномаси асосида касаначилик меҳнатини ташкил этиш ҳисобига 390 та, аёллар учун 326 та;

— Буюртма шартномаси асосида касаначилик меҳнатини ташкил этиш ҳисобига 162 та, аёллар учун 119 та;

— Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 15 та, аёллар учун 5 та;

— Ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш ҳисобига 135 та, аёллар учун 57 та,

— Бозор инфраструктурасини ривожлантириш ҳисобига 34 та, аёллар учун 11 та.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланган «Сурхондарё вилоятида 2006-2007 йилларда ишлаб чиқаришни ривожлантиришни, аҳоли бандлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури» бажарилиши бўйича 2006 йил 5 ойда жами 3961 та янги иш ўринлари ташкил этилган.

Жумладан, «Ўзбекчармпойабзали» уюшмасига қарашли «Жарқўрғончарм» корхонасида ўз маблағи ҳисобига 12 та, «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияси томонидан Бандихон, Қизириқ, Музработ, Термиз ва Шеробод туманларида 5та савдо дўкони ташкил этиш бўйича 60.0 миллион сўм тижорат банкларидан кредитлар ажратилиб, 25 та янги иш ўринлари, «Юлдуз-тўқимачилик» масъулияти чекланган жамиятда калава-ип ишлаб чиқаришни хомашё билан таъминлаш бўйича 30 та, Термиз туманидаги «Fruktuz Pro» масъулияти чекланган жамиятда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуритиш ва қадоқлаш дастгоҳларини ўрнатиш ҳисобига 60 та, қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда аҳоли исиқхоналарини янгидан барпо этиш ҳамда мавжудларини кенгайтириш ҳисобига 2189 та, Ангор туманидаги «Изопласт-Ангор» хусусий корхонасида рубероид ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳисобига 12 та, вилоятнинг тоғли ва чегара ҳудудлари ҳисобланган Бойсун, Музработ, Олтинсой, Сариосиё, Узун ва Шеробод туманларидаги кам таъминланган 1273 та оилаларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига 636,4 миллион сўм маблағ миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилиб, 3182 та янги иш ўринлари, Термиз шаҳридаги «Shindong Enercom Inc» корхонаси томонидан «Сурхон» заводи базасида текстил фабрикасини ташкил этиш бўйича 50 та янги иш ўрни, Сариосиё туманидаги «Шарғункўмир» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида тошкўмир қазиб чиқариш ускуналарини янгилаш ҳисобига 48 та янги иш ўринлари, «Shindong Enercom Inc» корхонаси томонидан «Сурхондарё агрохизмат» базасида пахта ёғи ишлаб чиқариш дастгоҳларини ўрнатиш ҳисобига 17 та янги иш ўрни ташкил этилган.

Вилоятда 2006 йил 5 ойда барча мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларда 20709 та янги иш ўринлари ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йилнинг 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 апрелдаги «2006-

3

2010 йиллар даврида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган.

Ушбу қарорларнинг мазмун-моҳиятини фуқароларга тушунтириш мақсадида 660 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли қишлоқларда, овулларда 390 та, жами 1050 та йиғилиш ташкил этилиб, уларда 241,4 минг нафар фуқаронинг қатнашиши таъминланган ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилган. Мазкур қарор бўйича 11885 нафар фуқаро қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳамда сотиш билан шуғулланаётганлар сифатида меҳнат дафтарчаси юритиш тўғрисида ариза берган бўлиб, улардан 6517 нафари янги меҳнат дафтарчаси олиш учун ариза берганларни ташкил этган.

Бундан ташқари, вилоятдаги кам таъминланган ва кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, улардаги фарзандларни оқсилга бой бўлган сут ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлашни кўпайтириш, турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида кам таъминланган ва кўп болали оилаларга бепул қорамол бериш бўйича вилоятдаги 1569 та оилага қарор қабул қилинган бўлиб, 2006 йил 31 май ҳолатига шаҳар ва туман ҳокимликларидан олинган маълумотларга асосан вилоят бўйича 1039 та оилага бепул сигирлар берилган. Тез кунларда қолган сигирларни ҳам ажратиш кўзда тутилган.

Шаҳар ва туман меҳнат бўлимлари томонидан 2005 йилда касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларнинг иш билан таъминланганлиги доимий равишда мониторинг асосида ўрганиб чиқилмоқда. 2006 йил 1 июнь ҳолатига шаҳар ва туманлардан олинган маълумотларга асосан 2005 йил давомида вилоятдаги касб-ҳунар коллежларини 10160 нафар ўқувчи битирган бўлиб, улардан 2328 нафари ёки 22,9 фоизи эгаллаган мутахассислиги бўйича ёлланма меҳнат билан банд эканлиги, 1923 нафари ёки 18,9 фоизи бошқа мутахассислик бўйича ёлланма меҳнат билан банд эканлиги, яъни корхона ва ташкилотларда меҳнат шартномаси асосида меҳнат қилаётганлиги аниқланган.

2006-2007 йилларда касб-ҳунар коллежларида ишлаб чиқилган қабул режаси вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этилган бўлиб, ҳозирги пайтда ушбу режа ўрганиб чиқилмоқда.

Вилоятда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ёшларнинг доимий иш жойига эга бўлиши, ўзларининг эгаллаган касб ва мутахассисликлари бўйича иш билан таъминланишига, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига амалий ёрдам бўлади.

**Сурхондарё вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи А.МАВЛОНОВ»**

4

● Мустақиллик — ҳуқуқ демакдир

# ҚОНУН — БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Мустқиллик нима берди, деган саволга «Истиқлол ўз хоҳиш-иродангга бўйича яшаш ҳуқуқини берди» дейиш назаримизда энг тиниқ жавоб бўлса керак. Чунки истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб инсон манфаатларини таъминлаш давлатимизнинг асосий вазифасига айланди. «Мустақиллик — бу, ҳуқуқ демакдир» шиори илгари сурилди. Буларнинг ҳаммаси Бош қомусимизга муҳрлаб қўйилди. Шу боис Конституциямизни «бахтимиз қомуси», деб аташимиз бежизга эмас. Зеро, дунё халқларининг тақдирида конституция муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги тарих саҳифаларидан маълум.

«Конституция» атамаси қадимги Римдаёқ мавжуд бўлиб, «император конституцияси» деб аталган қонун билан машҳур эди. Амир Темур тузуклари Шарқ ва Осиё мамлакатлари цивилизациясига хос алоҳида шаклдаги конституциявий ҳужжат ҳисобланиб, шариат қонунлари билан бир қаторда Ўрта Осиё халқлари тақдирига кучли таъсир ўтказган.

Европадаги тарихий тараққиёт ҳозирги кунда амалда бўлган конституцияларнинг икки гуруҳини вужудга келтирди. Биринчи гуруҳ — ҳозирги замон шароитларидан кескин фарқ қилувчи шароитларда қабул қилинган эски конституциялар. Ана шундай конституцияларга 1787 йилда қабул қилинган АҚШ конституцияси, 1831 йилда ишлаб чиқилган Бельгия конституцияси, 1874 йилда амалга киритилган Швейцария конституцияси мисол бўла олади. Иккинчи гуруҳга эса XX асрнинг иккинчи ярмида қабул қилинган «Янги авлод» конституциялари киради. Улар аввалгилардан ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш ва ижтимоий муаммоларга мурожаат этиш механизмларининг кенгайиши билан фарқ қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси миллий ва халқаро тажрибаларни ўрганиш натижасида дунёга келди. Шу ўринда Гарвард университети профессори Дональд С.Карлайлнинг эътирофини келтириб ўтиш ўринли: «Ўзбекистон собиқ иттифоқ республикалари ичида биринчи бўлиб, ҳатто Болтиқбўйи давлатларидан илгари конституция қабул қилди. Қоидаларнинг аниқ ва мукаммаллиги, ўзига хос тузилиши билан алоҳида ажралиб турадиган ушбу конституция ўзбек жамияти ва соҳаларини тартибга солади. У дунёдаги энг мақбул тузилишга эга конституцияларнинг биридир».

Ҳақиқатан ҳам Бош қомусимиз демократик тамойилларга тўла жавоб бера оладиган, умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган асосий ҳужжат ҳисобланади. У ҳар қандай илғор давлат Конституцияси билан бемалол тенглаша олади.

Асосий қонунимизда инсон ҳаёти, ҳуқуқлари, шаъни, қадр-қиммати олий қадрият деб эътироф этилган. Қолаверса, унда илгари сурилган асосий ғоялар ва тамойиллар мазмун ва моҳияти инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда халқаро меъёрларга уйғун бўлиб, ижтимоий тараққиётимизни тезлаштиришга қаратилгандир. Инсон ҳуқуқлари масалалари билан бевосита шуғулланувчи миллий институтлар ташкил этилганлигини ҳам алоҳида эътироф этмоқ керак. Бугунги кунда инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ўз ваколатлари доирасида инсон ҳуқуқлари ва шахс эркинликларини ҳимоялашга хизмат қилади.

Амир Темур бобомиз «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади» деган эди. Дарҳақиқат, қонун устуворлиги бахт-саодат калити, тараққиёт пойдеворидир.

**Шаҳрибону ҲАМРОЕВА,**
**СамДУ ўқитувчиси,**
**Гулмира ТУРУМОВА,**
**талаба**

**Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида иш бошлаган «STA-SAM YANG Piastik Co.LTD» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси дастлабки маҳсулотларни савдога чиқарди.**

## ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Тумандаги «Ста пласт» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси ҳамда Жанубий Кореянинг «Сам янг Хайтек» фирмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган бу қўшма корхонага 306 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилди. Бу ерда замонавий хориж технологиялари асосида 14 турдаги полиэтилен маҳсулотлар, уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилади. Асосий хомашё эса шартнома асосида мамлакатимиздаги «Шўртангазкимё» мажмуидан олиб келинмоқда. Маҳсулотларга ички истеъмол бозорида талаб ошиб бораётир.

Корхона фаолият бошлаши билан 50 нафар киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири**

● Шарҳ

# КИМ ТЎҒРИ-Ю ЭГРИ?

Ҳозир дунёнинг кўпгина сиёсий майдонларида халқаро терроризм билан Ироқнинг босиб олиниши ўртасида дахлдорлик борми, деган савол атрофида баҳс-мунозара, фикрлар кўпайиб бормоқда. Яқинда АҚШнинг разведка хизмати томонидан шу йил апрель ойида тайёрланган «Глобал терроризм: Қўшма Штатлар учун оқибатлар» деб номланган ҳисоботнинг Ироқдаги вазиятга бағишланган «Миллий разведканинг баҳоси» деб номланган қисмидаги хулосалар жаҳон жамоатчилигига ошкор бўлиб қолди. Унда айтилишича, АҚШнинг Ироқдаги урушга дахлдорлиги жаҳонда халқаро терроризмнинг кучайишига сабаб бўлган ва агар АҚШ Ироқдан чиқиб кетса террорчилик ҳаракатлари кўлами камайиши мумкин.

Бундай фикр-хулоса аввало АҚШнинг ўзида катта акс-садо берди. Шу йил 24 сентябрь куни деярли барча йирик газеталар унга муносабат билдирилган шарҳлар ва мақолалар билан чиқди. Уларнинг мазмунидан шу нарсани англаш мумкинки, разведка хизматининг ҳисоботи асосан Ироқ билан халқаро терроризм ўртасидаги боғлиқликка, яъни АҚШнинг Ироқдаги ишларга аралашуви терроризм муаммосини фақат чуқурлаштириб юбориши мумкинлигига қаратилган.

АҚШдаги нафақат оммавий ахборот воситалари, балки таъсирчан сиёсий кучлар ҳам хулосаларга жиддий эътибор бериб, уларни ҳар томонлама ўрганишга киришдилар. Жумладан, АҚШ демократик партияси бу масалада бир қарорга келганлиги маълум бўлиб қолди. Бу партия, аввало, ҳисоботдаги хулосаларни қўллаб-қувватлади. Шунингдек, Ироқда олиб борилган ҳарбий амалиёт бутун дунё бўйлаб экстремизм ҳаракатининг ёйилишига сабаб бўлганлигини таъкидлаб ўтган. Демак, демократлар АҚШнинг Ироқдан чиқиб кетишини хоҳлашади. Уларнинг қарашларини ифодалайдиган оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарларга қараганда, Демократик партия етакчилари америкаликлар мазкур ҳисобот (тадқиқот) натижалари билан танишиб чиқиб, шу йил ноябрь ойида АҚШ Конгрессига ўтказиладиган дастлабки сайловлар пайтида тўғри қарор қабул қилишади, деган умиддалар. Маълумки, айни пайтда Конгрессда республикачилар кўпчиликни ташкил этади. Демак, энди иккита етакчи партия ўртасидаги сайловолди кураши кучаяди.

Шубҳасиз, республикачилар ҳам қўл қовуштириб ўтиришгани йўқ. Президент Буш Ироқдан кетиш орқали терроризмни камайтириш имкониятлари тўғрисидаги фикрни «бемаъни» деб атади. Давлат котиби Кондолиза Райс эса халқаро терроризмнинг кучайишини террорчилик ҳаракатларига қарши кураш билан боғлар экан, шундай деди: «Биз уларга қаршилик кўрсатсак, улар (террорчилар) ўз сафларига янги-янги одамларни тортиш ҳамда ўзгаларни ёллаш билан шуғулланиш учун бутун имкониятларни ишга солмоқдалар. Ироқ учун эмас, балки терроризмга қарши биз олиб бораётган курашнинг кенгайиши натижасида эҳтимол уларнинг сафига кўпроқ одамлар қўшилишлари мумкин».

Бундай ҳолатда ўринли бир савол туғилади: унда курашдан мақсад нима? Агар терроризмга қарши кураш кенгайса терроризм кучаяр экан, унда курашнинг нима кераги бор?! Мантиқ қани?

Бу борада бир ҳаётий мисолга эътиборингизни қаратмоқчимиз. Бундан бир неча йил олдин Россиянинг ТВ-6 телеканали телетомошабинлар билан телефонда сўров ўтказганди. Яъни, телетомошабинларга: «Сиз Афғонистонда терроризмнинг пайдо бўлишига собиқ СССРни сабабчи деб ҳисоблайсизми?» деган савол билан мурожаат қилинди. Бироз вақтдан кейин жавоблар якуни эълон қилинди.

Маълум бўлишича, студияга қўнғироқ қилганларнинг 79 фоизи «Ҳа» деб жавоб беришган, атиги 19 фоизидан «Йўқ» деган жавоб олинган. Бир сўз билан айтганда, бу сўров бор ҳақиқатни ойдинлаштириб қўяқолган.

Рости шуки, ўшанда Афғонистонда терроризм совет босқинига қарши кураш воситаси сифатида туғилди ва тез илдиз ота бошлади. Кейинчалик мамлакат ичида ўзаро миллий-этник низо кучайди. Бу низо қарама-қарши томонларнинг ҳокимият учун курашига айланиб кетди. Террор эса тобора кучайиб, турли кўринишда шаклланиб, чуқур илдиз отиб бораверди. Мамлакат ичидаги низолар ва ўзаро курашлар ташқи манфаатдор кучлар томонидан қўллаб-қувватланиб, моддий, сиёсий, ҳарбий ёрдамлар билан рағбатлантирилиб турилди.

Эндиликда худди шундай манзара Ироқда кузатилмоқда. Террорчилик хуружлари оқибатида кўплаб тинч аҳоли қурбон бўлмоқда. Демак, Ироқдаги бугунги ҳолат олдин Афғонистонда юзага келган вазиятга анча ўхшайди. Зўрлик-зўравонлик ва босқинчилик терроризмнинг кучайишига сабаб бўлмоқда. Шу жиҳатдан олиб қараганда, АҚШнинг разведка хизмати томонидан тайёрланган «Глобал терроризм: Қўшма Штатлар учун оқибатлар» деб номланган ҳисоботда ҳамда АҚШ демократик партиясининг хулосаларида ҳақиқат бор. Демократлар — Ироқдаги урушга барҳам бериш ва мамлакатдан чиқиб кетиш тарафдори. Бироқ, республикачилар ўз хатти-ҳаракатларини тўғри деб ҳисобламоқдалар. Ким эгри-ю ким тўғри эканлигини, қайси фикрни қўлловчилар кўплигини АҚШда бўладиган дастлабки сайловлар натижалари кўрсатади. Бунга оз вақт қолди.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи**

● Иқтисод ва ислоҳот




# ДЕГГАРОНИЙЛАР ДАВРИГА ДАХЛДОРЛИК

## ЁКИ «ИПАК ЙЎЛИ» БАНКИНИНГ НАВОИЙ ФИЛИАЛИ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ ХУСУСИДА

Мустақиллик туфайли тўқсонинчи йиллар ўрталарида ўзининг ташкилий-таркибий даврини кечирган республика акциядорлик-тижорат «Ипак йўли» банки шакл-шамойили жиҳатдан бошқа банклардан фарқ қилади. Чунки, мазкур банк фаолияти Буюк ипак йўли тарихи билан уйғун. Машриқдан мағрибга қадар чўзилган, дунё тараққиётига катта ҳисса қўшган Буюк ипак йўлининг пайдо бўлишини олимлар 2500 йил аввалги тарихга боғлашади.

Муҳими, «Ипак йўли» банкининг Навоий филиали жамоаси Навоий, Кармана, Ҳазора, Қизилтепа, Хатирчи, Нурота, Конимех томонларда яшаган, маданий ва адабий мероси билан Зарафшон минтақасида муносиб из қолдирган пиру комил инсонлар хотираси, хонақо ва ёдгорликларни асраш ҳамда таъмирлаш ишларига эътибор қаратиб келмоқда. Бу банк ўнлаб тарихий ёдгорликлар, XI — XIII асрларга оид шарқона, ғиштин обидалар таъмири масаласида ҳомийлик ишларини амалга оширди. Хусусан, Мавлоно Ориф Деггароний, Қосим Шайх Азизон, Мир Саид Баҳром қадамжоларини ҳамда Работи Малик карвонсаройи, «Сардоба» тошҳовузлари банк ёрдамида зиёратгоҳларга айлантирилди.

Ҳазора қишлоғида қайта тикланаётган Мавлоно Ориф Деггароний хонақоси ёдгорлиги қурилиши ҳамда XIV асрда яшаган Баҳоуддин Нақшбанд устози Деггаронийнинг 695 йиллик юбилейига тайёргарлик ҳам бевосита шу банк кўмагида амалга ошириляпти. Боиси, Деггароний ҳисоб рақами айнан шу банкда очилган. Ўз даврида 3 та жаҳон бозори — Кармана, Ҳазора, Ғиждувон бозорлари бўйлаб ўтган Буюк ипак йўли айнан шу хонақо, яъни Деггароний жомесига туташганлиги ўзига хос мазмунга эга. Қарийб 150 гектар майдонга ястанган Ҳазора бозори қадимда масжидга орқадош бўлган.

Навоий «Ипак йўли» банкига хос хизмат турлари кўп. Агар банкнинг бевосита бугунги куни, унинг ишбилармон жамоаси, мижозлари, айланма маблағи хусусида гап кетса, қилинган ва қилинажак ишлар кўлами нечоғли кенглиги кўзга ташланади. Банк ташкил этилганига 12 йил тўлаётган бўлса, бу даврда у ўзига хос нуфуз ва капиталга эга бўлди, йирик банклар қаторига қўшилди.

— «Ипак йўли» банкининг Навоий филиали иқтисодий салоҳияти бошқа банклардан асло қолишмайди, — дейди вилоят Марказий банки Бош бошқармаси бошлиғи Баҳодир Муллахонов. — Чунки, банкда банк ишлари мутахассислигига эга бўлган, бугунги бозор муносабатлари, иқтисодий ислоҳотлар даврига мос кадрлар, малакали ёшлар меҳнат қилишаяпти. Эртанинг ишончли иқтисодчилари, банкирлари бўлган бу кадрлар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Дарҳақиқат, банк филиалининг Мамлакат Қосимова, Илҳом Раҳмонов, Елена Пономарёва, Хайриддин Хушвақтов, Таваккал Тошев, Юнус Нарзуллаев, Ойбек Муртазоев сингари ўнлаб молиячилари, фидойи иқтисодчилари ҳисоб-китоб ишларини ўрнига қўйишда жамоа ишончини қозониб келмоқдалар.

— Чинакам банк ходими тийинни сўмга айлантириш ҳақида ўйлайди, — дейди вилоят ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Салоҳиддин Самадов. — Ахир чақа сўмга айланганда айланма маблағ ва сармоя ортади-да. «Ипак йўли» банкида эса малакали кадрлар етарли.

Дарвоқе, кейинги икки йилда банк мижозлари икки бараварга ортиб, жами жисмоний шахслар мингтани ташкил этди. Айланма маблағ эса 6 миллиард 200 миллион сўмдан ошиб кетди. Тадбиркор ва ишбилармонларни қўллаб, кредит ажратилаётгани ҳам шундан. Шу ўринда хайрли ишга қўл уриб, ушбу банкдан кредит олиб, яратувчилик, бунёдкорлик, ишларига камарбаста бўлаётган маҳаллий ёшлар ташаббуси кенгайиб бораётганини қайд этмоқ жоиз. Ихтиёр Пакиев, Шерали Назаров, Анвар Эргашев, Эргаш Пўлатов, Нозим Зайниддинов кабилар шулар жумласидан. Улар олган кредитлари эвазига колбаса ишлаб чиқариш, гилам тўқиш цехлари, оҳак куйдириш кичик корхонаси, нон ва макарон тайёрлаш линияси очилди. Натижада қанча-қанча йигит-қизлар доимий иш ўринларига эга бўлишди. Шу банкдан кредит олиб ишлаётган «Олтинсой» масъулияти чекланган жамияти, «Континент-ёғ-мой» қўшма корхонаси, «Магистрал» йўллардан фойдаланиш Қизилтепа бошқармаси, «Ишонч гилам» цехлари ишидан кўпчилик мамнун.

Европа Тикланиш ва тараққиёт банки билан амалий ҳамкорликда очилган кредит линияси самаралари алоҳида аҳамият касб этмоқда. 2005 йил охирида очилган бу кредит линияси айни кезда 100 дан зиёд хусусий тадбиркор, кичик бизнес субъектларини молиялаштирди. ЕТТБ кредит линиясининг имкониятлари эса беқиёс.

«Ипак йўли» банки Навоий филиали мини банклар фаолиятини-да мувофиқлаштириб туради. Банкнинг Каттақўрғон ҳамда Қизилтепа марказлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу жойлардаги минтақавий кичик банкларда ҳам мижозлар сони ортиб боряпти.

Пенсионерларнинг пуллари, бюджет ташкилотларининг ойлик маошлари масаласи бўйича узлуксизлик ва таъминлаш ишлари яхши йўлга қўйилган. Банкка шикоят ва норозилик аризалари билан келувчиларнинг айтарли йўқлиги ҳам шундан бўлса керак. Бу ерда истак ва таклиф йўл-йўриқ бўйича маслаҳат бурчаги, ишонч телефонлари ташкил этилган. Банкда аҳолининг қўшимча пул маблағларини омонатга олиш, улар билан қатъий ҳамкорликда ишлаш ҳам талаб даражасида. Уч ой ёки олти ойлик муддатга очилган «Хазина», «Шодлик», «Ниҳол», «Оқ олтин», «Ёзги таътил» каби омонат турлари хизмати яхши йўлга қўйилган.



**Музаффар ШАРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

XORIJDA

## ВЕНГРИЯ

Венгриянинг мухолиф кучлари бош вазир Ференц Дюрчан истеъфосига эришиш учун намойишлар ўтказишга тайёрланмоқда. Шу пайтгача Венгрия фуқаролар иттифоқи (ФИДЕС) етакчилари икки ҳафтадан буён намойишлар уюштираётган сиёсий бирлашмалардан узоқлашиб, намойишлар партиявий эмас, балки фуқаровий характерга эга бўлишини хоҳлашганди. Энди эса чап кучлар бирлашиш ниятида. Унинг тарафдорлари пойтахт ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида тарғибот ўтказиб, намойишлар оммавий характерга эга бўлади деган умидда.



Венгрия фуқаролар иттифоқи етакчиси Виктор Орбан томонидан бош вазирга берилган муддат бугун тугайди. Бош вазир истеъфога чиқишни рад этса, мухолифат партияси Будапештда биринчи намойишни ўтказади.

Эслатиб ўтамиз, Венгрияда намойишлар бир гуруҳ намойишчиларнинг давлат телевидениесини босиб олиши ва автомобилларни ёқиб юборишидан бошланганди. Бу воқеалар натижасида 240 дан ортиқроқ шахс ҳибсга олинди.

Намойишларга бош вазирнинг Вазирлар Маҳкамаси мамлакат иқтисодиётидаги ҳақиқий аҳволни яширганлигини тан олганлиги сабаб бўлди.

Венгрияда якшанба куни маҳаллий ҳукумат органларига бўлиб ўтган сайловда ҳукумат тепасидаги етакчи партиялар мағлубиятга учради. Мухолиф чап кучлар вакиллари депутатларнинг деярли барча вилоят кенгашларида аксарият жойларни эгаллашди. Социалистлар эса бир неча катта шаҳарлардагина шаҳар маъмурияти раҳбарлари сифатида қолишга муваффақ бўлишди.

## ШИМОЛИЙ КОРЕЯ

КХДР Ташқи ишлар вазирлиги баёнотига кўра, Шимолий Корея келажакда ядро қуроллари синовларини ўтказмоқчи. Шу билан бирга у ҳеч қачон биринчи бўлиб бундай қуролни ишлатмаслигини ҳам билдирди.

Расмий Пхеньян бу синовлар мамлакатни АҚШнинг уюштириши мумкин бўлган тажовузидан ҳимоялашга ёрдам беришини билдирди.

БМТ Бош котиби Кофи Аннан Пхеньянни «халқаро ҳамжамият ғазабини қўзғатмаслик учун» ядро синовларидан воз кечишга чақирди. АҚШ давлат котиби Кондолиза Райс Пхеньян томонидан ядро синовлари ўтказилиши АҚШ томонидан «иғвогарлик» сифатида қабул қилинишини айтди.

Шимолий Кореянинг ядро синовлари борасидаги режалари Россияда ҳам «чуқур хавотир» уйғотмоқда.

— Бу қадам, у нима билан изоҳланмасин, Кореянинг ядродан холи ҳудудга айланиши борасидаги интилишларига зид бўлиб, Корея ярим оролидаги ҳарбий-сиёсий вазиятни янада чигаллаштириши мумкин. Бундан ташқари ядро синовлари халқаро ядро қуроллари тарқатмаслик тизимига путур етказади, — дейилади Россия Ташқи ишлар вазирлиги баёнотида.

Япония бу синовлар ўтказилгудек бўлса, қатъий жавоб билдиришини, Жанубий Корея эса Пхеньян ядро қуролларига эга бўлишига йўл қўймаслигини билдирди. Жанубий Корея президенти Но Му Хён Шимолий Корея томонидан ядро синовлари ўтказилиши 1991 йилда имзоланган Корея ярим оролининг ядросиз ҳудуд ҳақидаги қўшма декларацияга зидлигини таъкидлади. Ҳужжатга кўра, иккала мамлакат ҳам ядро қуролларига эгалик қилмаслик, ишлаб чиқмаслик ва синамасликка келишиб олган.

Хитой ўтган йили Шимолий Кореянинг ядро дастури борасидаги боши берк кўчага кириб қолган олти томонлама музокараларни тиклашни таклиф қилди. Бу музокараларда Шимолий ва Жанубий Корея, Япония, Хитой, Россия ва АҚШ иштирок этган.

Мутахассислар фикрича, Шимолий Корея олти-саккизта ядро зарядини ишлаб чиқишга етадиган материалга эга. Бироқ у ҳали каллакчаларни тайёрлаш технологиясига эга эмас.



## ЕВРОПА



Европанинг «Airbus» авиаконсорциуми энг катта авиалайнерлардан бири ҳисобланган янги А-380 самолётларини етказиб бериш яна бир йилга кечиктирилишини маълум қилди.

2007 йилнинг ҳисобига режалаштирилган тўққизта самолётдан биттасигина етказиб берилади.

2008 йилда мижозларга 13та, 2009 йилда эса яна 25та самолёт топширилади.

Компания ҳисоб-китобларига кўра, самолётлар етказилишининг кечиктирилиши 2010 йилда консорциумга 3,5 миллиард доллар зарар келтиради.

«Airbus»нинг энг катта буюртмачиларидан бири Дубайдаги «Emirates» авиалинияси самолётларини муддатидан ўн ой кеч олади. Компания вакиллари консорциум билан алоқаларни янгитдан кўриб чиқиш ниятида.

«Lufthansa» авиакомпанияси ҳам сабр қилиб туришига тўғри келади. Буюртирилган 15та самолётни у 2009 йилнинг ёзида олади.

**Интернет манбалари асосида Хуршид РАУПОВ тайёрлади.**

• Спорт

# ҒОЛИБЛАР 8 ОКТЯБРДА АНИҚЛАНАДИ

Аввал хабар берганимиздек, пойтахтимиздаги «Тошкент» теннис марказида аёллар ўртасида ўтаётган «Tashkent Open» халқаро турнири баҳслари қизғин паллага кирди.

Маълумки, мусобақага WTA таснифида 21-ўринда бораётган хитойлик На Ли ташрифи кутилаётганди. Бироқ, унинг ўз юртида уюштирилган турнирда орттирган жароҳати Тошкентга келишига имкон бермади. Натижада россиялик Елена Веснина (49-ўрин) «Tashkent Open-2006»да мусобақанинг биринчи рақамли иштирокчиси сифатида кортга чиқди. Дастлабки босқичда россиялик теннисчи Шенгкан Сун (Хитой)га қарши баҳс юритиб, ғалаба қозонди — 0/6, 7/5, 6/2.

«Tashkent Open-2000» ғолиби, ҳамюртимиз Ирода Тўлаганова ҳам илк учрашувни муваффақиятли бошлади. У белоруслик Анастасия Якимова билан кечган баҳсда мухлислар олқишига сазовор бўлди — 6/3, 7/6(5).

Асосий тўр учрашувларида тўғридан-тўғри қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган яна бир вакилимиз Оқгул Омонмуродова эса таиландлик Тамарине Танасугарнга қарши баҳс юритди. Аммо бу ўйинда ҳамюртимиз рақибига имкониятни бой берди — 4/6, 5/7.

Кеча уюштирилган навбатдаги босқич учрашувида Ирода Тўлаганова айнан таиландлик ракеткачига қарши кортга чиқди.

Мусобақа ғолиб ва совриндорлари номи 8 октябрь куни маълум бўлади.

# САМБО ЮЛДУЗЛАРИ ТОШКЕНТДА...





Пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида фахрийлар ўртасида ва жанговор самбо бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Уч кун давом этган беллашувларда Россия, Италия, АҚШ, Қозоғистон, Япония, Эстония сингари дунёнинг йигирма уч давлатидан ташриф буюрган тўрт юз нафардан зиёд самбочи гиламга чиқди.

— Жаҳонда ўзбек самбочилари юқори мавқени эгаллашган, — дейди Ўзбекистон самбо федерациясининг президенти Фазлиддин Пўлатов. — Шу боис, жаҳон чемпионатидек нуфузли мусобақага Тошкентнинг мезбонлик қилиши тасодиф эмас. Дунёнинг энг кучли спортчилари номини аниқлаб берган ушбу мусобақа мамлакатимизда спортнинг самбо турини янада оммавийлаштиришда муҳим ўрин тутади.

Мусобақада фахрийлар олтита (35-39, 40-44, 45-49, 50-54, 55-59 ҳамда 60 ва ундан катта) ёш гуруҳлар бўйича ғолиблар аниқланди. Якунда Леонид Адиянов, Фатилло Холиқов (62 кг.), Баҳром Расулов (68 кг.), Ориф Маъмуров (74 кг.). Михаил Алиев (82 кг.), Сергей Левник, Алексей Каримов (100 кг.) сингари самбочиларимиз ўз вазн тоифасида чемпионатнинг олтин медаллари билан тақдирланишди.

Жанговор самбо учрашувлари эса тўққиз вазн тоифасида уюштирилди. Унда вакилларимиздан Элдор Ғуломов (90 кг.) олтин, Отабек Олимов (52 кг), Қодир Султонов (57 кг.), Суннат Илёсов (74 кг.) Самад Рустамов (+100 кг.)лар кумуш, Камолиддин Зокиров (62 кг.), Алижон Раҳимов (68 кг.) ҳамда Турсунмурод Нурматов (100 кг.)лар бронза медалларига сазовор бўлишди.

**Эркин ХОЛБОБО**

**Суратда:** мусобақадан лавҳа.

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.**

• Интер-спорт

## МАШҲУР ФУТБОЛЧИНИНГ ХОТИРАСИ

Лондоннинг «Челси» клуби жамоаси машҳур футболчи Питер Осгуданинг хотирасини абадийлаштирди. Маълумки, футболчи 380 учрашувда дарвозаларга 150 та тўп киритган. У «Челси» таркибида Англия ҳамда Европа кубок эгалари кубогининг қўлга киритилишида ўз ҳиссасини қўшган.

Шу йилнинг баҳорида вафот этган спортчининг хоки клубнинг ўз майдонида учрашувлар ўтказадиган «Стэмфорд Бридж» стадионининг 11 метрли пенальти белгиси ўрнига жойланди. Маросимда «Челси» ва Англия терма жамоаси сардори Жон Терри, ярим ҳимоячи Франк Лэмпард ҳамда Жо Коул иштирок этди.

## ВАЛУЕВ РЕКОРД ЎРНАТАРМИКАН?

Маълумки, WBA йўналишидаги жаҳон чемпиони россиялик боксчи Николай Валуев 7 октябрь куни Чикагода ўз унвонини ўта оғир вазнли америкалик Монте Барреттга қарши учрашувда ҳимоя қилади. Ана шу жанг олдидан Валуев мухбирларга интервью бераркан, ўзига хос фикрларни билдирди.

— Албатта, ўз даврида 49 учрашув ўтказиб, барчасида ғалабага эришган афсонавий Рокки Марчиано рекордидан ўзиш осон кечмайди, — дейди Валуев. — Ўйлайманки, қачонлардир ниятимга етиб, мухлисларни қувонтиришга ҳаракат қиламан. Ҳозирча эса, мен учун муҳими бўлажак жангда ўз унвонимни муносиб ҳимоя қилиш. Режаларим эса яқин вақт ичида жаҳон мутлақ чемпиони номини олишдир.

Эслатамиз, Николай Валуев дароз боксчи бўлиб, бўйи 2,13 метр, вазни 145 килограмм. У профессионал боксчи сифатида Америкада илк марта учрашув ўтказади.

• Қонун барчага баробар

# ХИЁНАТ

### ёки қоровулларнинг ўзи ўғирликка шерик бўлгани хусусида

Отарида юзлаб қўй-қўзилари бор чўпон бўрилардан хавотирланмай тинч ухлайдиган бўлди. Чунки, унинг ҳушёр ва содиқ олапар ити бор. Чол итига ишониб бутун бошли отарни бемалол ташлаб кетса бўлади. Ахир итнинг дастидан бўри зоти борки, қўйларнинг қўрасига яқин келолмасди-да. Бундан аламзада бўлган тўдабоши тулки билан кенгашибди.

— Еган оғиз уялади, дейдилар. Яхшиси, бошқа отардан қўй ўғирлаб, ўлжага чўпоннинг итини меҳмонга чақиринг. Ана кейин томоша қиласиз оқибатини...

Бўри айёр тулки айтган услубни қўллабди. Нафс курсин. Олапар бўрига меҳмон бўлибди. Серёғ қўй гўшти таъмини татиган чўпоннинг ити отардаги қўйларга суқланиб қарай бошлабди. Алалоқибат, нафс олапарни хиёнатга ундабди. Тунда бўрилар галасига қўшилиб, қўй ўғирлаган ит тонгда чўпоннинг ташвишига шерикдек «ув»лаб йиғлармиш денг. Олапарнинг оёқ олиши ўзгарганини сезиб қолган чўпон бир тун отарига ҳужум қилган бўрилар галасига қўшиб олапарни ҳам отиб ташлабди.

Қуйидаги жиноий иш тафсилоти билан танишиб, юқоридаги ривоятни бежиз келтирмаганимизга амин бўласиз.

Жиноий гуруҳ аъзолари — Ғани Тоғаев — Бухоро шаҳар ИИБ сафарбарлик гуруҳи командири, Шароф Собиров, Умрзоқ Султоновлар — ҳарбийлаштирилган соқчилар бўлими соқчилари, Нурали Тошев — «Чаруит — Сервис» масъулияти чекланган жамият қоровули.

Бу йигитлар нафс домига тушиб, ўз касбига хиёнат қилди.

2006 йил 12 март куни соат 16-30 ларда «Бухоротекс» акциядорлик жамияти йигирув-тўқув фабрикасидан 20 та қопда ҳар бир килограмми 1430 сўмдан жами 360 килограмм — 541 минг 840 сўмлик калава иплар ўмариб кетилади. Тракторчи М.Чориев «ташаббуси» билан бошланган «операция»да ҳар кимнинг ўз ўрни, ўз улуши бор эди. Масалан, ўғирлик моли кўзланган манзилга етиб келгунча Ғ.Тоғаев, Ш.Собиров, Н.Тошев, У.Султоновлар ҳам анча «тер тўкиш»ига тўғри келди. Негаки, жиноятни кўрса-да, кўзини чирт юмиб турган соқчиларга ҳар бир килограмм ип-калава учун 200 сўмдан бериш ваъда қилинган ахир. Наҳотки, виждон ва диёнатнинг нархи шунчалар арзон бўлса?! Наҳот эгнига ички ишлар ходимининг муқаддас либосини кийган соқчилар қилаётган хатти-ҳаракати ўғирлик эканлигини тушунишмаган экан?!

Қинғирликнинг охири вой. Ва табиийки шундай бўлди ҳам. Ахир жиноятга индамай қараб туриш ҳам жиноят. Одамлар мулкига тажовуз эса ҳеч қачон оқланмайдиган юзи шувутлик ҳисобланади. Касбга хиёнат инсонга ана шундай иснод олиб келади. Бурчга садоқат эса кишига обрў келтиради, ҳурматни оширади.

**Шомурод ЭРГАШЕВ, Бухоро шаҳар прокурори ёрдамчиси, Моҳира ШАКАРОВА, журналист**


**Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги**

**«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси**

**2006 йилнинг 7,10,14,17,21,24,28 ноябрь ва 1,5,12,15,19,22, 26,29 декабрь кунлари аукцион савдоларини ўтказади**

***Савдоларга Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларининг мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи қўйилади:***

Мирзо Улуғбек тумани, Ш.Бурҳонов кўчасида, сатҳи 0,04 гектардан иборат бўлган 2 та ер участкаси, ***ҳар бирининг бошланғич нархи — 984 000 сўмдан,*** сатҳи 0,03 гектардан иборат бўлган 2 та ер участкаси, ***ҳар бирининг бошланғич нархи — 738 000 сўмдан*** ва сатҳи 0,02 га бўлган 1 та ер участкаси, ***бошланғич нархи — 492 000 сўм.***

Ф.Хўжаев кўчасида, сатҳи 0,04 гектардан иборат бўлган 12 та ер участкаси. ***Ҳар бирининг бошланғич нархи — 984 000 сўмдан*** ва сатҳи 0,02 гектар бўлган 1 та ер участкаси, ***бошланғич нархи — 492 000 сўм.***

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

*Аризалар қабул қилиш ер майдонларига савдодан уч кун аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.*

**Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.**

**Мурожаат учун телефон: 133-23-40.**

**Гувоҳнома № 000815**


• Тадбир

# «ГАЗДАН ХАВФСИЗ ФОЙДАЛАНИШ ИККИ ОЙЛИГИ»

### ҳар йили 1 сентябрдан 1 ноябрга қадар ўтказиладиган анъанавий тараддуд

**Мазкур тадбирнинг мақсад ва вазифалари ҳамда шу икки ой давомида амалга ошириладиган ишлар, хавфсизлик чоралари, шунингдек, эътибор берилиши лозим бўлган жиҳатлар хусусида Тошкент шаҳар «Мирободтумангаз» филиали бошлиғи Шокир Мўминов қуйидагиларни сўзлаб берди.**

— Ҳозир туманимизда 10922 ҳовли-жойлар, кўп қаватли уйлардаги 24699 та хонадонлар табиий газ билан таъминланган. Айни пайтда корхона ва муассасаларга хавфсиз ёнилғи етказиб бериш борасида ҳам қатор имкониятлар ишга солинаяпти. Бундан ташқари кузги-қишки мавсумларда аҳолини табиий газ билан узлуксиз таъминлаш учун туманда 102 та газ тартиблаш пункти тўла таъмирдан чиқарилди.

Газдан ўта эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан фойдаланиш доимо диққат эътиборда. Мавсум бошидан буён кўнгилли ўт ўчириш ходимлари хонадонларда бўлиб, кенг тушунтириш ишлари олиб боришаётир. Уйларни иситиш, газ асбобларидаги носозликларни тузатиш, дудбуронлар ва шамоллатиш мўриларини текшириш каби қатор хавфсизлик чоралари кўрилмоқда. Хусусий хонадонлардаги 13600 тадан зиёд газ асбоблари ҳар томонлама кўрикдан ўтказилди.

Табиий газдан нотўғри фойдаланиш оқибатида келиб чиқадиган ёнғин ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида тасдиқланган жадвалга кўра туман ЁСБ ходимлари билан ҳамкорликда қўшма рейдлар ҳам ташкил этилган. Газдан қонунга хилоф равишда фойдаланаётган истеъмолчилар орасида профилактика ишлари олиб борилаяпти.

Икки ойлик давомида аҳоли кўп йиғиладиган жойларда (бозорлар, олий ўқув юртлари, саноат корхоналари ва маҳаллалар гузарларида) газдан хавфсиз фойдаланиш бўйича тумангаз муҳандис-техник ходимлари суҳбатлар уюштириш билан бирга ўзбек ва рус тилларида намунали кўргазмалар ҳам ўтказиб, тарғибот ишларини кучайтирмоқдалар.

Газ — халқ ва юрт бойлиги. Ундан оқилона фойдаланиш ва ҳамиша тежаб-тергаб ишлатиш зарурлигини кишилар онгига сингдириш — олдимизда турган муҳим вазифалардан бири. Зеро, қачонки, ҳар бир истеъмолчи бебаҳо мулкимиз — табиий ёнилғини ўз мулким, ўз бойлигим, уни исроф қилмаслик — менинг бурчим, деб билсагина соҳа ривожланишига ҳисса қўшган бўлади. Демоқчиманки, биз олиб бораётган барча тарғибот-ташвиқот ишлар замирида ҳам аслида шу мақсад, шу муддао ётибди.

**Суҳбатдош: Юнус ЗИЁДОВ**


**Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги**

**«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси**

***2006 йилнинг 7,10,14,17,21,24,27 ноябрь ҳамда 1,5,12,15,19,22,26,29 декабрь кунлари аукцион савдоларини ўтказади***

***Савдоларга Тошкент шаҳар, Ш.Рашидов кўчаси, 11-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Президенти аппарати Ишлар бошқармаси автохўжалигига қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:***

— 1994 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10 РР 253 бўлган «ГАЗ-3102» русумли автотранспорт воситаси, ***бошланғич нархи — 1 836 680 сўм.***

— 1989 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10 АА 959 бўлган «ГАЗ-5314 КО-413» (ахлат ташувчи) русумли автотранспорт воситаси, ***бошланғич нархи — 1 505 536 сўм.***

— 1988 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10 АХ 910 бўлган «ГАЗ-5314 КО-413» (ахлат ташувчи) русумли автотранспорт воситаси, ***бошланғич нархи — 1 833 352 сўм.***

— 1995 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10 РР 274 бўлган «ГАЗ-31029» русумли автотранспорт воситаси, ***бошланғич нархи — 1 174 078 сўм.***

— 1986 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10 АА 938 бўлган «УАЗ-3741-01» русумли автотранспорт воситаси, ***бошланғич нархи — 1 270 146 сўм.***

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объект бошланғич нархининг 10% миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

***Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.***

***Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.***

***Телефон: 133-23-40.***

***Гувоҳнома № 000815***



**Қурилиш ташкилотлари ва корхоналар раҳбарлари диққатига!**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ҚУРИЛИШИ РЕСПУБЛИКА ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ**

***2007 йилда Фарғона вилоятида қурилиши мўлжалланган қуйидаги объектлар бўйича танлов савдоларида қатнашиш учун қурилиш ташкилотларининг малакасини олдиндан аниқлаш бўйича***

**ОЧИҚ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**Объектлар номи:**

***1. «Фарғона вилояти, Қўқон шаҳридаги 720/100 ўринли академик лицей (калити билан)».***

***2. «Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Қирғули мавзесидаги 720/100 ўринли академик лицей (калити билан)».***

Қурилиш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази Академик лицейлар қурилиши республика инжиниринг компаниясига ажратилган маблағ ҳисобидан молиялаштирилади.

***Малакани олдиндан аниқлаш танлов савдоларида иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малака талаблари қўйилади:***

— ишлаб чиқариш базалари, меҳнат ресурслари ва иш (хизматлар)ни бажариш учун зарур мутахассисларга эгалиги;

— фуқаролик ҳуқуқий қобилиятга ва шартнома тузиш ваколатига;

— шундай танлов предмети объектларида ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

— ўз кучи билан илгари бажарган ишлари ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиши ва танлов предмети объектида ўз кучи билан бажаришга режалаштирилаётган ишлар ҳажми (фоиз ҳисобида);

— 2004-2006 йилларда ўз кучи билан 1 млрд. сўмдан кам бўлмаган пудрат ишларини бажарганлиги;

— қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки хатлаб қўйилган талабгорлар, таъсис ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклда ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бири билан бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотлар саралаш танлов тартиботига қўйилмайди.

Малакавий саралаш танловларида қатнашиш учун буюртмалар ва тайёрланган ҳужжатлар Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда, соат 9.00 дан 18.00 гача, офферталар очилиши кунигача қабул қилинади:

**Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-«а» уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76.**

***I пакет ҳужжатлар нархи — 10 000 сўм.***

***Танловдан ўтган ташкилотлар учун II пакет ҳужжатларининг бир тўплами қиймати — 50 000 сўм.***

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб камида ўттиз кундан кейин, Фарғона вилояти ҳокимлигининг мажлислар залида ўтказилади.

**Изоҳ:** ***2007 йил манзилий рўйхат тасдиқлангандан сўнг унга ўзгартиришлар киритилиши мумкин.***


Ўзбекистон жангчи-фахрийлар (байналмилалчилар) Бирлашмаси жамоаси Тошкент шаҳар Афғон уруши ногиронлари жамғармасининг раиси Мирвасли Нурматовга отаси

**Ҳиммат НУРМАТОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МЧЖ «Bektemir temir-beton mahsulotlari» ҚК, «TTK Ltd.» хорижий корхонаси, МЧЖ «Mirage mebel» ҚК, «Ege Turizm Ticaret LTD.Sti» Туркия компанияси ваколатхонаси жамоалари «Dedeman Silk Road Tashkent» меҳмонхонаси ОАЖ «Ipak Yoli Turizm-Invest» ҚК таъсисчиси, Туркиянинг «Apeas» компанияси президенти

**Мелих Жемил ТАЙМАЗ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

Туркиянинг «APEAS» компанияси жамоаси компания президенти

**Мелих Жемил ТАЙМАЗ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.


**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Latif G`ULOMOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Bobir ALIMOV**
**Turobjon JO`RAYEV**
**Feruz NAZIROV**
**Ulug`bek MUSTAFOYEV**
**Baxtiyor DO`SJONOV**
**Farruh HAMROYEV**
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari)
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**Akbar JONUZOQOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV**
(Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
**Siyosat, partiya va xalqaro hayot** 133-10-13
**Ma`naviyat va ma`rifat** 133-69-45
**Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot** 133-20-36
**Parlament va huquq** 136-76-21
**Ekologiya va salomatlik** 133-44-55
**Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik** 133-21-43
**Xatlar va ommaviy ishlar** 133-12-56 (Tel. Faks)
**Mas`ul kotib** 133-72-83
**Reklama va e`lonlar** 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
**700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.**
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
**Zayniddin MAMADALIYEV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
**Ikromjon ISMOILOV**
**Sobirjon TUNG`ATOV**

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**
**Korxona manzili:**
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
***Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.***
**Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**

**«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.**

Г — 1250
*7131 nusxada bosildi*
*t — Тижорат материали*
O`zA yakuni — 20.45
Topshirish vaqti — 21.00
**1 2 3 4 5**

**Sotuvda erkin narxda**